

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИНГ УМУМИЙ ВА ЯККА
ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Э.Э.Исаев

©Ўзбекистон Республикаси Қриминология тадқиқоти институти
мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18361266>

Аннотация. Ушбу мақолада вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка тартибдаги профилактикасини такомиллаштиришининг ҳуқуқий-ташқилий истиқболлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда амалдаги профилактика тизимида кузатилаётган институционал камчиликлар, идоралараро ҳамкорликнинг етарли даражада интеграция қилинмагани, эрта аниқлаш ва эрта ёрдам механизмларининг формал ишлаши ҳамда якка тартибдаги реабилитация режаларининг амалда шаблонлашиб қолгани ёритилган. Мақолада халқаро стандартлар (БМТнинг Ар-Риёд принциплари, Пекин қоидалари, Гавана қоидалари ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция) талаблари билан уйғун ҳолда профилактика моделини “репрессив-назорат” ёндашувидан “ижтимоий-реабилитацион” ёндашувга босқичма-босқич ўтказиш зарурати асосланган. Шунингдек, риск ва эҳтиёжларни баҳолаш (SAVRY, PCL:YV каби методикалар), кейс-менежмент, рақамли интеграцияланган маълумотлар базаси, диверсия ва тикловчи адолат элементларини қонунчиликка имплементация қилиш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси; умумий профилактика; якка тартибдаги профилактика; эрта интервенция; кейс-менежмент; рискни баҳолаш; диверсия; тикловчи адолат; идоралараро ҳамкорлик; рақамли интеграция.

Аннотация. В статье анализируются правовые и организационные перспективы совершенствования общей и индивидуальной профилактики правонарушений несовершеннолетних. На основе изучения правоприменительной практики выявляются институциональные недостатки действующей системы профилактики, фрагментарность межведомственного взаимодействия, формальный характер механизмов раннего выявления и ранней помощи, а также шаблонность индивидуальных программ реабилитации. Обосновывается необходимость поэтапной трансформации профилактической модели от «репрессивно-контрольного» подхода к «социально-реабилитационному», согласованному с международными стандартами (Руководящие принципы ООН по предупреждению преступности среди несовершеннолетних — Эр-Риядские принципы, Пекинские правила, Гаванские правила и Конвенция о правах ребёнка). Предлагаются научно-практические меры по внедрению оценки рисков и потребностей (методики SAVRY, PCL:YV), кейс-менеджмента, единой цифровой межведомственной базы данных, а также институтов диверсии и восстановительного правосудия в национальное законодательство.

Ключевые слова: несовершеннолетние; профилактика правонарушений; общая профилактика; индивидуальная профилактика; ранняя интервенция; кейс-менеджмент;

оценка риска; диверсия; восстановительное правосудие; межведомственное взаимодействие; цифровая интеграция.

Abstract. This article examines the legal and organizational prospects for improving general and individual prevention of juvenile delinquency. Based on an analysis of law-enforcement practice, the study identifies key institutional shortcomings, fragmented interagency coordination, the formal nature of early identification and early intervention mechanisms, and the template-based character of individualized rehabilitation plans. The paper substantiates the need to gradually transform the prevailing “repressive-control” model into a “social-rehabilitative” model aligned with international standards, including the UN Guidelines for the Prevention of Juvenile Delinquency (Riyadh Guidelines), the Beijing Rules, the Havana Rules, and the Convention on the Rights of the Child. The article proposes practical measures for integrating evidence-based risk and needs assessment tools (e.g., SAVRY, PCL:YV), case management, a unified interagency digital database, and the legislative implementation of diversion and restorative justice mechanisms.

Keywords: juveniles; delinquency prevention; general prevention; individual prevention; early intervention; case management; risk assessment; diversion; restorative justice; interagency coordination; digital integration.

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясини амалга ошириш ва ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитида вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси механизмларини трансформация қилиш масаласи алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Криминоген вазият ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили декларатив-жазолаш усулларида оғишган хулқ-атворнинг (девиант хулқ) эрта олдини олишнинг илмий асосланган тизимига ўтиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги статистик маълумотлари ва Ички ишлар вазирлиги ахборотларини ўрганиш ўсмирлар жиноятчилигининг беқарор динамикасини намоён этмоқда. Агар 2023 йилда жиноят содир этган вояга етмаганлар сони 2022 йилга нисбатан 15,6 фоизга (3599 нафаргача) ўсган бўлса, 2024 йил якунларига кўра ушбу кўрсаткичнинг маълум даражада пасайиши (3364 нафаргача ёки 6,5 фоизга) қайд этилган¹. Бирок, мутлақ рақамлар ҳамон хавотирли бўлиб қолмоқда.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги тузилмасида stat.uz таснифига кўра ўзганинг мулкани талон-торож қилиш ва ғаразли-зўравонлик руҳидаги ўғирлик (ЎЗР ЖК 169-модда), фирибгарлик (ЖК 168-модда) ва безорилик (ЖК 277-модда) каби қилмишлар устунлик қилмоқда. Вояга етмаганларнинг психотроп моддалар ноқонуний айланмаси ва кибержиноятлардаги иштирокининг ортиб бораётгани алоҳида ташвиш уйғотади, бу эса ёшларнинг жинойий қизиқишлари рақамли муҳитга кўчаётганидан далолат беради.

Якка тартибдаги профилактика самарадорлиги бевосита назоратсизлик профилактикаси давлат тизимида қиравчи субъектлар ҳаракатларининг уйғунлигига

¹ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>

боғлиқ. Мазкур органлар фаолиятининг амалий таҳлили бир қатор тизимли муаммоларни аниқлаб берди. Биз буни қуйидагилар мисолида кўришимиз мумкин:

биринчиси, Болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолиятидаги декларативлик ва ижро интизомидаги узилишлар ҳисобланади. Болалар масалалари бўйича комиссияларнинг (ҳокимликлар ҳузуридаги) ҳуқуқий мақоми вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси тизимини мувофиқлаштирувчи асосий бўғин сифатида белгиланган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили ушбу тузилма фаолиятида жиддий тизимли нуқсонлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, комиссиялар фаолияти кўпинча «*ҳодиса содир бўлгандан кейинги реакция*» (post-factum) режимида ишлаб, эрта профилактика вазифасини тўлиқ бажара олмаяпти.

Амалиётдаги реал ҳолат бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда «махалла – мактаб – оила – ички ишлар органлари» занжирининг самарали ишламаётганлиги олий даражадаги раҳбарият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Мисол тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2023 йил 11 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида келтирилган маълумотларга кўра, мамлакатда «қизил» тоифага кирувчи (тарбияси оғир, ҳуқуқбузарликка мойил) 29 минг нафар ёшлар мавжуд бўлиб, улар билан ишлаш тизими қониқарсиз баҳоланган. Амалда туман ҳокимлари (комиссия раислари) ушбу тоифадаги ёшлар билан манзилли ишлаш ўрнига, бу вазифани қуйи бўғин ижрочиларига юклаб қўйганлиги танқид қилинган².

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалиётидан маълумки, кўплаб ҳолатларда оғир жиноят содир этган вояга етмаган шахслар (масалан, ЖКнинг 97 ёки 104-моддалари билан айбланганлар) ҳужжатларда «профилактик ҳисоб»да турган бўлса-да, Комиссия томонидан тасдиқланган «Якка тартибдаги реабилитация дастури» (ЯРД) фақат қоғозда мавжуд бўлган. Муаммо шундаки, Комиссия котиблари томонидан тузиладиган ушбу дастурлар шаблон характерга эга бўлиб, бир ўсмир учун ишлаб чиқилган чоратadbирлар мазмуни (санаси ва исм-шарифи ўзгартирилган ҳолда) бошқа бир ўсмирнинг шахсий йиғма жилдига кўчириб қўйилмоқда. Натижада, ўсмирнинг оилавий муҳитидаги ҳақиқий муаммолар (низоли оила, ишсиз ота-она, руҳий босим) эътибордан четда қолиб, профилактика чоралари самарасиз якунланмоқда.

Бу ҳолат БМТнинг «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга доир раҳбарий принциплари» (Ар-Риёд принциплари)³ да белгиланган индивидуаллаштириш тамойилининг бузилишига олиб келмоқда ва Комиссия фаолиятини бюрократик тўсиққа айлантirmoқда.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришнинг илмий ечими сифатида қуйидагиларни таклиф этиш

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2023 йил 11 апрель куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши баёни материаллари. – Манба: <https://president.uz/uz/lists/view/6148> (Мурожаат вақти: 16.12.2025).

³ Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга доир БМТ раҳбарий принциплари (Ар-Риёд принциплари). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 45/112-сонли Резолюцияси. 1990 йил 14 декабрь. (United Nations Guidelines for the Prevention of Juvenile Delinquency (The Riyadh Guidelines). Adopted and proclaimed by General Assembly resolution 45/112 of 14 December 1990.). UN.org - The Riyadh Guidelines.

мумкин: *биринчидан*, Болалар масалалари бўйича комиссиялар таркибида профессионал ижтимоий ходимлар (case-manager) ва психологлардан иборат *доимий ишчи гуруҳларни шакллантириш* орқали уларнинг фаолиятини маъмурий назоратдан ижтимоий-реабилитацион хизматга айлантириш; *иккинчидан*, якка тартибдаги профилактика дастурларини ишлаб чиқишда субъектив ёндашувдан воз кечиб, халқаро стандартларга (SAVRY, PCL:YV) асосланган «Криминоген хавф ва эҳтиёжларни баҳолашнинг миллий индикаторлари»ни амалиётга жорий этиш.

SAVRY ва PCL:YV – бу Фарб криминологияси ва ювенал психологиясида кенг қўлланиладиган, вояга етмаганларнинг хулқ-атворини илмий ва далилларга асосланган ҳолда (evidence-based) баҳолаш воситаларидир.

SAVRY (*Structured Assessment of Violence Risk in Youth* (*Ёшларда зўравонлик хавфини тизимли баҳолаш*)), бу – 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирларда келажақда зўравонлик ёки жиноят содир этиш хавфини баҳолаш учун ишлаб чиқилган профессионал қўлланма (методика) ҳисобланади.

Табиий саво туғилади, Бу методикани миллий амалиётда татбиқ этиш қандай натижа беради? Ҳозирги кунда инспектор-психологлар ўсмирни «тарбияси оғир» деб топишда кўпинча субъектив фикрга (*мактабдаги хулқи, кийиниши, битта жанжал*) таянади. SAVRY эса **24 та аниқ омилни 4 та гуруҳга** бўлиб таҳлил қилади: *биринчиси*, тарихий омиллар (Historical) бўлиб, ўтмишдаги зўравонлик, эрта ёшда жиноят қилиш, ота-она назоратининг йўқлигини назарда тутати; *иккинчиси*, ижтимоий (вазиятли) омиллар (Social/Contextual) бўлиб, тенгдошларининг салбий таъсири, оиладаги стресс, жиноий муҳитни назарда тутати; *учинчиси*, индивидуал (клиник) омиллар (Individual/Clinical) бўлиб, ғазабни бошқара олмаслик, ҳамдардликнинг (эмпатия) йўқлиги, импульсивликни назарда тутати; *тўртинчиси*, ҳимоя қилувчи омиллар (Protective Factors) бўлиб, бу энг муҳимидир.

Шунга кўра, якка тартибдаги дастурлар айнан SAVRY методикаси асосида аниқланган ҳимоя омилларини кучайтиришга қаратилиши лозим. Бу методиканинг аҳамияти шундаки, у фақат «ёмон» томонларни эмас, балки болани жиноятдан нима сақлаб қолиши мумкинлигини ҳам баҳолайди (масалан, спортга қизиқиши, кучли устози борлиги, мактабга боғланганлиги).

Шунингдек, PCL:YV (*Psychopathy Checklist: Youth Version* (*Харе психопатия шкаласи: Ўсмирлар учун версия*)) тести Роберт Харе томонидан ишлаб чиқилган машҳур тестнинг ўсмирларга мослаштирилган варианты бўлиб, у асосан ўсмирнинг шахсиятидаги чуқур психологик оғишларни (психопатик хусусиятларни) аниқлашга хизмат қилади. У 20 та кўрсаткич бўйича ўсмирда қуйидагилар мавжудлигини текширади: *шахслараро муносабат*: устамонлик (манипуляция), ёлғончилик, ўзига ҳаддан ташқари бино қўйиш; *аффектив соҳа*: айбни ҳис қилмаслик, шафқатсизлик, ҳиссиётларнинг саёзлиги; *ҳаёт тарзи*: мақсадсизлик, паразитлик (бировнинг ҳисобига яшаш), импульсивлик; *антисоциал хулқ*: қоидаларни мунтазам бузиш, жиноий мойиллик.

Бу усул ҳаммани бирдек «профилактик ҳисоб»га қўйиш эмас, балки кимга **тиббий-психологик ёрдам** кераклигини ажратиб олиш учун зарур.

Масалан, оддий безорилик қилган бола билан PCL:YV бўйича юқори балл олган (шафқатсиз) бола билан ишлаш услуги мутлақо фарқ қилиши керак.

Миллий профилактика тизимидаги асосий камчиликлардан бири – бу “хавфни баҳолаш” (risk assessment) стандартларининг мавжуд эмаслигидир. Ривожланган давлатлар тажрибасида қўлланиладиган SAVRY (Ёшларда зўравонлик хавфини тизимли баҳолаш) ва PCL:YV (Психопатик хусусиятларни аниқлаш шкаласи) каби илмий тажрибадан ўтган методикаларни маҳаллий менталитетга мослаштирган ҳолда жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу икки жиҳатдан самара беради: биринчиси, **ресурсларни тўғри тақсимлашга**, яъни, хавф даражаси паст бўлган ўсмирларга ортиқча назорат ўрнатмаслик; иккинчиси, **манзилли чора қўллаш**, яъни, жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган (SAVRY бўйича юқори балл тўплаган) ўсмирларнинг айнан қайси соҳасида (оила, руҳият ёки муҳит) муаммо борлигини аниқ ташхис қилиш имконини беради.

иккинчидан, мактаб инспектор-психологлари штатининг Миллий гвардия тизимидан Ички ишлар вазирлиги тизимига ўтказилиши амалиётда **функционал зиддиятни (conflict of functions)** юзага келтирди. Бир томондан, «инспектор» сифатида улар маъмурий ҳуқуқбузарликни аниқлаш ва жазолашга масъул бўлса, иккинчи томондан, «психолог» сифатида болани ҳимоя қилиш ва руҳий қўллаб-қувватлаши лозим. Жаҳон криминологиясида бу «**роллар зиддияти**» (**role conflict**) деб аталади. Амалиётда ИИО ходими учун натижа кўрсаткичи (KPI) кўпинча очилган жиноятлар ёки тузилган баённомалар сони билан ўлчаниши сабабли, фаолият «жазоловчи» (репрессив) характерга оғиб кетмоқда.

Инспектор-психологлар кўп ҳолларда ўзларининг бевосита вазифаларидан ташқари ишларга (жамоат тартибини сақлаш, тунги рейдлар, қоғозбозлик) жалб қилинади.

Натижада, мактабдаги «хавф гуруҳи»га кирувчи ўсмир билан индивидуал психологик суҳбат ўрнига, фақат «**тушунтириш хати**» олиш билан чекланилмоқда. Бу эса боланинг инспекторга бўлган ишончини йўқотади ва уни «жазоловчи орган вакили» сифатида қабул қилишига олиб келади.

Шунга кўра, инспектор-психолог лавозимини демилитаризация қилиш (ҳарбийлаштиришдан чиқариш) ёки вазифаларни ажратиш мақсадга мувофиқ, яъни, ҳуқуқий тартиб учун – инспектор, руҳий ҳолат учун — **фуқаролик мақомидаги клиник психолог** штатларини мактабларда кўпайтириш. Шунингдек, уларнинг фаолиятига «**тиклайдиган одил судлов**» (**restorative justice**) элементларини (масалан, мактаб медиация хизмати) мажбурий тартибда киритиш лозим.

учинчидан, профилактика субъектлари (ИИО, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш) ўртасидаги ҳамкорликнинг энг катта камчилиги — **ягона рақамли экотизимнинг мавжуд эмаслигидир**. Бу ҳолат «ахборот асимметрияси»ни келтириб чиқармоқда, яъни, мактаб билган муаммони участка нозири билмайди, участка нозири билган оилавий жанжални мактаб психологи билмайди.

Амалдаги тартибга кўра, маълумот алмашинуви кўпинча қоғоз шаклидаги сўровномалар ёки йиғилишлар орқали амалга оширилади. Бу жараён кўп вақт талаб этади ва натижада профилактика чоралари «**ҳодиса содир бўлгандан кейин**» (**пост-фактум**) кўрилмоқда.

Масалан, ўсмир дарсга келмай қўйгани ҳақида мактаб маъмурияти ИИОга хабар бергунга қадар, бола назоратсиз қолиб, ҳуқуқбузарлик содир этиб улгуриши мумкин.

Шунга қўра, бундай институционал муаммоларни самарали ҳал этишда, Идоралараро электрон маълумотлар базасини («E-Bolalar himoyasi») яратиш ва унга барча субъектларни интеграция қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда боланинг хавф даражаси ўзгарганида (масалан, ота-онаси ажрашганда ёки мактабда уришганда) тизим автоматик равишда тегишли масъулларга (психолог, инспекторга) «сигнал» юбориши керак.

тўртинчидан, таълим муассасалари фаолиятини баҳолашдаги мавжуд рейтинг тизими **латент (яширин) ҳуқуқбузарликларнинг** асосий детерминанти бўлиб хизмат қилади. Мактаб директори ёки ўқитувчи учун ўқувчисининг жиноят содир этганини тан олиш – муассаса рейтингининг тушишига ва маъмурий жазога олиб келади.

Шу сабабли, мактабларда содир бўладиган зўравонлик (буллинг), таъмагирлик ва майда ўғирликлар «педагогик чора қўриш» ниқоби остида ички тартибда ҳал қилинади ва расмий статистикага киритилмайди. Бу амалиёт «ёлғон хавфсизлик ҳисси»ни уйғотиб, ўсмирда жазосизлик синдромини шакллантиради. Кейинчалик бу ўсмирлар оғирроқ жиноят содир этгандагина ҳуқуқ-тартибот органлари назарига тушади.

Бундай муаммоларни самарали ҳал этишда, таълим муассасаси рейтингини жиноятчилик факторидан ажратиш (декуплинг) мақсадга мувофиқ. Аксинча, муаммони яширганлик учун эмас, балки **эрта аниқлаб, профилактика органларига хабар берганлик учун** рағбатлантириш тизимини жорий этиш лозим.

бешинчидан, васийлик органлари фаолиятининг ҳозирги модели асосан **ҳуқуқий расмийчиликка** (болани жойлаштириш, мулкни ҳимоялаш) қаратилган бўлиб, **ижтимоий хизмат (social work)** функцияси ривожланмаган. Тизимда малакали «ижтимоий ходим» (social worker) институтининг йўқлиги инқирозли оилалар билан ишлашда самарасизликни келтириб чиқармоқда.

Васийлик органи ходими оилага фақат вазият ўта кескинлашганда (бола ҳаётига хавф туғилганда) аралашади. Оилавий низоларнинг илк босқичида (молиявий қийинчилик, алкогольга ружу қўйиш бошланиши) оила билан тизимли ишловчи мутахассис йўқ. Натижада, тизим фақат **оқибат билан курашмоқда** (ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш), ваҳоланки, эрта босқичда оилани сақлаб қолиш мумкин эди.

Бундай амалий муаммоларни ижобий ҳал этишда, васийлик органлари қошида «Оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш хизмати»ни ташкил этиш ва уларга ҳуқуқшунос эмас, балки махсус тайёргарликдан ўтган ижтимоий ходимларни ишга олиш. Уларнинг вазифаси жазолаш эмас, оилага инқироздан чиқишга қўмаклашиш бўлиши керак.

олтинчидан, Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар жиноятчилигининг умумий динамикасида ижобий ўзгаришлар кузатилаётган бўлса-да, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва кучли таъсир қилувчи дори воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар соҳасида **хавотирли ўсиш тенденцияси** сақланиб қолмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ўсмирлар орасида «анъанавий» гиёҳвандлик воситалари (наша, опий) ўрнини арзон ва осон топиладиган **синтетик наркотиклар** ҳамда **дорихона препаратлари** эгалламоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга қарамликни профилактика қилишда тиббий **махфийлик (конфиденциаллик) ва ҳуқуқий мажбурлов** ўртасидаги номутаносиблик мавжуд. Наркологик ҳисобга туришнинг ҳуқуқий оқибатлари (келажакда ишга кириш, ҳайдовчилик гувоҳномаси олишдаги чекловлар) ўсмирларни тиббий ёрдамдан қочишга мажбур қилмоқда.

Расмий манбаларга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғилишларида келтирилган маълумотларга ⁴ таянган ҳолда, вазиятни қуйидагича тасвирлашимиз мумкин:

биринчидан, сўнгги йилларда (2022-2025) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасида иштирок этган ёшлар сони ортган. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахслар орасида 18-30 ёшгача бўлган ёшларнинг улуши сезиларли даражада юқоридир, бу эса муаммонинг илдизи мактаб ва коллеж ёшига бориб тақалишидан далолат беради. Сўнгги 3 йил ичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мусодара қилинган синтетик гиёҳвандлик воситалари ҳажми кескин ошган. Ташвишли жиҳати шундаки, **интернет тармоғидаги «нарко-дўконлар» (Telegram-ботлар)**нинг асосий мижозлари — айнан рақамли технологияларни яхши тушунадиган ўсмирлар ва ёшлардир.

Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатида киритилган, лекин тиббий мақсадда ишлатиладиган дори воситаларининг (масалан, «Регален», «Тропикамид», «Зардекс» кабиларнинг ноқонуний айланмасидаги номлари) нотиббий истеъмоли вояга етмаганлар орасида кенг тарқалмоқда. Республика бўйича аниқланган наркологик касалликларнинг қарийб **30-40 фоизини** айнан шу турдаги поли-наркомания ташкил этмоқда.

иккинчидан, расмий статистика муаммонинг асл кўламини тўлиқ акс эттирмайди.

Бу қуйидаги жадвалда келтирилган омиллар билан изоҳланади:

2-жадвал. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасида латентлик (яширинлик) даражасининг юқорилиги омиллари.

Омиллар	Тавсифи
Ҳисобга олишдаги бўшлиқ	Расмий наркологик ҳисобда турган вояга етмаганлар сони нисбатан кам (бир неча юз нафар), ваҳоланки, ИИО профилактик тадбирларида (рейдлар) аниқланаётган маст ҳолатдаги ўсмирлар сони бундан бир неча баробар кўп.
Стигматизация	Ота-оналар фарзандининг келажакдан қўрқиб (ишга кириш, ўқиш), уни расмий наркология диспансерига эмас, балки яширин хусусий табибларга ёки уй шароитида даволашга ҳаракат қиладилар.
Янги турдаги моддалар	Айрим янги синтетик моддалар (дизайнерлик наркотиклари) қон таҳлилида дарҳол аниқланмаслиги ёки қонунчиликдаги «Тақиқланган моддалар рўйхати»га киритишга улгурилмаслиги сабабли, ўсмирлар жавобгарликдан ва ҳисобдан четда қолмоқда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ биринчи ялпи мажлиси материаллари (Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг тарқалишига қарши курашиш масалалари юзасидан). 2023 йил. – Манба: <https://senat.uz>.

Юқоридаги жадвалда келтирилган омиллар таҳлили шундан далолат берадики, вояга етмаганлар ўртасидаги гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга қарамлик даражаси расмий статистикада акс этганидан бир неча баробар юқори бўлиши мумкин (юқори латентлик кўрсаткичи). Бу вазият иккита жиддий тизимли зиддиятни юзага чиқармоқда:

биринчидан, мавжуд ҳуқуқий механизмлар (мажбурий ҳисобга олиш) ота-оналарни фарзандининг хасталигини яширишга мажбур қилмоқда. Натижада, «стигматизация кўркуви» боланинг соғлиғи ва ҳаётидан устун қўйилмоқда. Бу эса касалликнинг оғир босқичга ўтиб, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишига замин яратади;

иккинчидан, нарко-бозорнинг янгиланиш тезлиги (янги синтетик формулалар) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг идентификация қилиш ва қонунчиликка тақик сифатида киритиш тезлигидан ўзиб кетмоқда.

Шу боис, профилактика тизимида «жазоловчи назорат» парадигмасидан воз кечиб, анонимлик кафолатланган «тиббий-ижтимоий ёрдам» моделини жорий этиш зарурати юзага келмоқда. Акс ҳолда, расмий статистика ва реал ҳаёт ўртасидаги узилиш (вакуум) кенгайиб бораверади.

Юқоридагилардан қуйидаги муаммоларни фактик асос сифатида келритиб ўтиш мақсадга мувофиқ: биринчиси, *мактаб психологлари*нинг компетенциясини етишмаслиги, яъни, таълим муассасаларидаги психологлarning аксарияти ўсмирдаги гиёҳвандликнинг илк белгиларини (кўз қорачиғининг ўзгариши, хулқ-атвордаги кескин ўзгаришлар, «ломка» аломатлари) визуал аниқлаш бўйича махсус клиник билимга эга эмас; иккинчиси, *анонимлик кафолатининг йўқлиги ёки етарли даража ишончли эмаслиги*, яъни, амалдаги қонунчиликка кўра, шифокор гиёҳвандлик аломатлари бор ўсмирни аниқласа, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт. Бу эса «**тиббийёт – жазолаш қуроли**» деган нотўғри тушунчани шакллантириб, эрта мурожаат қилиш йўлини ёпмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда вояга етмаганлар ўртасидаги гиёҳвандлик профили ўзгарган, яъни, классик наркотик моддалардан – синтетик ва психотроп дори воситаларига (аптека наркоманияси) трансформация жараёни кечмоқда. Бу эса профилактика тизимидан эски усуллардан воз кечиб, **кибер-макондаги мониторингни** кучайтиришни ва мактабларда **нарко-пост** (скрининг тестлари) амалиётини ота-оналар розилиги билан жорий этишни тақозо этади.

Шунга кўра, вояга етмаганлар учун «**Аноним тиббий-психологик маслаҳат хоналари**» тармоғини кенгайтириш ва қонунчиликка ўзгартириш киритиш, агар ўсмир (ёки ота-онаси) ихтиёрий равишда даволаниш учун мурожаат қилса, уни расмий «наркологик ҳисоб»га қўймасдан ва ҳуқуқ-тартибот органларига хабар бермасдан даволаш кафолатини бериш лозим.

еттинчидан, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари фаолияти кўпинча «**натижага осон эришиш**» (**low-hanging fruit**) принципига асосланган. Улар кўпроқ фаол, ташаббускор ёшлар («Беш ташаббус» иштирокчилари) билан ишлашга мойил бўлиб, жамиятдан ажралиб қолган, ишсиз ва ўқимайдиган (**NEET — Not in Education, Employment, or Training**) қатлам эътибордан четда қолмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисми айнан бекорчи ва назоратсиз ёшлар томонидан содир этилади.

Бирок, ёшлар етакчисининг КРІ кўрсаткичлари кўпинча ўтказилган тадбирлар сони ва иштирокчилар қамровига боғлиқ. «Тарбияси оғир» ўсмирни тадбирга жалб қилиш кийин ва вақт талаб этади, шунинг учун етакчилар «тайёр» фаол ёшлар билан ишлашни маъкул кўрадилар.

Ёшлар етакчилари фаолиятини баҳолаш мезонларини (КРІ) тубдан ўзгартириш мақсадга мувофиқ, бунда, асосий баҳо тадбирлар сонига эмас, балки айнан **NEET тоифасидаги ва профилактик ҳисобдаги ёшларни** қанчалик ижтимоийлаштирганига (ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш) қараб берилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, профилактика тизими самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, ИИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, МТБВ ва Миллий гвардия маълумотларини интеграция қилган ҳолда «Хавф остидаги болалар» Ягона миллий электрон базасини яратиш. Бу ҳисобга олишдаги такрорланишларни йўқ қилади ва бола тақдирини реал вақт режимида мониторинг қилишни таъминлайди;

Иккинчидан, **Ювенал юстиция элементларини жорий этиш**, яъни ёпиқ муассасалардаги шафқатсиз муомала фактларини мустақил текшириш бўйича Болалар омбудсмани ваколатларини кенгайтириш ҳамда жазолашга эмас, балки ресоциализацияга йўналтирилган ихтисослаштирилган ювенал судларни ташкил этиш;

Учинчидан, устоз-шогирд институтини ривожлантириш, яъни, маҳалла ва спорт соҳасидаги обрўли вакиллар орасидан «жамоатчи тарбиячи» мақомини қонуний мустаҳкамлаш ва ўсмирни муваффақиятли ижтимоийлаштиргани учун уларни моддий рағбатлантириш;

Тўртинчидан, бандлик орқали профилактикани кучайтириш, хусусан, меҳнат органлари томонидан профилактик ҳисобда турган вояга етмаганлар учун махсус мослашувчан иш графигига эга квоталанган иш ўринларини ишлаб чиқиш зарур. Чунки легал даромаднинг йўқлиги ғаразли жиноятларнинг асосий омили ҳисобланади.

Юқорида аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун⁵ининг 23-моддасига (Якка тартибдаги профилактика иши олиб борилишини ташкил этиш) қуйидаги мазмундаги қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ:

«Якка тартибдаги профилактика ишини юритиш режаси вояга етмаган шахснинг криминоген хавф ва эҳтиёжларини баҳолашнинг миллий индикаторлари асосида тузилади. Бунда ҳар бир вояга етмаган шахсга алоҳида ижтимоий ходим (кейс-менежер) бириктирилади».

⁵Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни / <https://lex.uz/docs/1685726?ONDATE2=26.01.2022&action=compare>

Бу ўзгартириш халқаро стандартларни (SAVRY) миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва профилактикани субъектив баҳолашдан илмий ташхисга ўтказиш имконини беради.

иккинчидан, Идоралараро ахборот алмашинувидаги рақамли интеграцияни қонунийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун ⁶ ини қуйидаги янги **8¹-модда** (Профилактика тизимида ягона электрон маълумотлар базаси) билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

“8¹-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизимида ягона электрон маълумотлар базаси

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолияти «Вояга етмаганлар — ижтимоий ҳимоя» ягона идоралараро электрон ахборот тизими орқали мувофиқлаштирилади. Тизимга маълумот киритиш ва ундан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади”.

Бу норма «латент» ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади ва боланинг тақдирини реал вақт режимида мониторинг қилиш ҳуқуқий асосини яратади.

учинчидан, вояга етмаганлар бўйича ота-оналар масъулиятини оширишнинг муқобил усуллари жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК)нинг **47-моддаси** санкция қисмига қуйидагича ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ:

“47-модда:

биринчи қисмининг санкциясидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга» деган сўзларидан кейин «шунингдек унга қўшимча равишда «Мажбурий ота-оналик курсларини ўташга» деган сўзлар билан тўлдириш;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга» деган сўзларидан кейин «шунингдек унга қўшимча равишда «Мажбурий ота-оналик курсларини ўташга» деган сўзлар билан тўлдириш;

учинчи қисмининг санкциясидаги « базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга» деган сўзларидан кейин «шунингдек унга қўшимча равишда «Мажбурий ота-оналик курсларини ўташга» деган сўзлар билан тўлдириш;

тўртинчи қисмининг санкциясидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа» деган сўзларидан кейин «шунингдек унга қўшимча равишда «Мажбурий ота-оналик курсларини ўташга» деган сўзлар билан тўлдириш;

⁶Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни / <https://lex.uz/docs/1685726?ONDATE2=26.01.2022&action=compare>

бешинчи қисмининг санкциясидаги “базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга» деган сўзларидан кейин **«шунингдек унга қўшимча равишда «Мажбурий ота-оналик курсларини ўташга» деган сўзлар билан тўлдириш;**

олтинчи қисмининг санкциясидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қamoққа олишга» деган сўзларидан кейин **«шунингдек унга қўшимча равишда «Мажбурий ота-оналик курсларини ўташга» деган сўзлар билан тўлдириш**”.

Жазолашдан кўра ота-онанинг педагогик ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш такрорий ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда самаралироқдир.

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Қонуни⁷ га «Вояга етмаганларга наркологик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари» номли қуйидаги янги 15¹-моддани киритиш мақсадга мувофиқ:

“15¹-модда. Вояга етмаганларга наркологик ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари

«Вояга етмаган шахс ёки унинг қонуний вакили гиёҳвандлик ёки психотроп моддаларга қарамликдан даволаниш учун ихтиёрий равишда мурожаат қилганда, уларга аноним тарзда (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилмасдан ва расмий диспансер ҳисобига қўйилмасдан) тиббий-психологик ёрдам кўрсатилиши кафолатланади».

Ушбу норма яширин (латент) наркоманияни камайтиришга ва ўсмирларни эрта босқичда реабилитация қилишга хизмат қилади.

бешинчидан, майда ҳуқуқбузарлик содир этган ўсмирларнинг судланиб қолиши ва криминал муҳитга тушиб қолишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (ЖПК) **«Вояга етмаганлар учун судга қадар жараёндан четлатиш (диверсия) чоралари»** нормасини киритиш ва бунда *ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатмасдан, уни яраштирув комиссиясига ёки махсус тарбиявий тренингларга йўналтириш механизмини жорий этиш.*

Бу «Тиклайдиган одил судлов» (Restorative Justice) тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, ўсмирга «жиноятчи» тамғасини ёпиштирмасдан жамиятга қайтариш имконини беради.

бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва қонуности ҳужжатларига **«Таълим муассасаси ҳудудида ёки ўқувчилари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақида муассаса раҳбарияти томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўз вақтида хабар берилган ҳолларда, ушбу кўрсаткич муассаса рейтингини пасайтириш учун асос бўлмайди»,** деган нормаларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/5069150>.

Бу норма мактаб маъмуриятини муаммони яширишдан кўра, уни очиқлаш ва ҳамкорлик қилишга ундайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, таклиф этилаётган ушбу қонунчилик ўзгартиришлари вояга етмаганлар профилактикаси тизимини **репрессив-назорат моделидан – ижтимоий-реабилитацион ва ҳуқуқий ҳимоя моделига** трансформация қилишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятларига, хусусан, БМТ Конвенцияси, Ар-Риёд принципларига мос келади.